

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВА МУХАЙЁХОН СОБИРЖОН ҚИЗИ

БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Усмонова Мухайёхон Собиржон қизи Бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш.....	3
Усмонова Мухайёхон Собиржон кизи Совершенствование методической подготовки будущих учителей биологии ..	21
Usmonova Mukhayyokxon Sobirjon kizi Improving the methodological training of future biology teachers.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	43

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УСМОНОВА МУХАЙЁХОН СОБИРЖОН ҚИЗИ

БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ped 810 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Эргашева Гулрухсор Сурхонидиновна
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар: Рахимов Атаназар Каримович
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент
Абдиева Ойжамол Ташбаевна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.05.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» 12 соат 13⁰⁰ даги онлайн мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй). Тел.: (+998) 73-244-44-02; факс: (998)73-244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (98 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел.: (+998)73-244-44-94

Диссертация автореферати 2020 йил «18» 12 куни тарқатилди.
(2020 йил «18» 12 даги № 3 рақамли реестр баённомаси).



Г.Юлдашев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

У.Б. Мирзаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

М. Т. Исағалиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда таълим цивилизацияси ва инсониятнинг яхлит барқарор тараққиёти негизида билим олишдан фаолиятли-компетентли таълим парадигмасига ўтиш, жамият ривожланишининг замонавий тенденцияларига мос, рақобатбардош кадрларга бўлган талабни тобора ошиб боришига олиб келди. Глобаллашув контекстида олий таълим сифати мамлакатнинг барқарор рақобатбардошлигини таъминлаб беради ва “таълим сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш”¹, бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш мақсадида “биология йўналишларида самарали ўқув жараёнини ташкил этиш”² муаммоси алоҳида долзарблик касб этди.

Жаҳонда олий таълимни замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва мазмунан янгилаш, фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашувини таъминлаш, бўлажак ўқитувчиларнинг квазипрофессионал фаолиятга тайёрлашнинг методик, электрон таълим муҳитида таҳсил олишнинг ахборот-коммуникацион таъминотини, масофавий таълим имкониятларини орттириш соҳасида кенг қамровли илмий изланишлар амалга оширилган. Айни вақтда замонавий таълим тенденцияларига мувофиқ компетенциявий ёндошув асосида бўлажак биология ўқитувчиларининг жаҳон стандартлари даражасида ўз мутахассислиги бўйича ишлашга қодир, ижтимоий ва касбий мобил, меҳнат бозорида рақобатбардош кадр сифатида касбий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Республикада “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш”³, иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос мутахассисликлар бўйича педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда олий таълим тизимида педагогик фаолиятнинг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Юртимизда бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини замонавий фан-техника тараққиёти талаблари асосида модернизациялаш, компетентли, юқори салоҳиятли педагог кадрлар тайёрлаш ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда такомиллаштириш, бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, методик компетенцияларини ривожлантириш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий асосланган методикасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹Incheon declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). - 48 p.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.08.2020 й., 07/20/4805/1174-сон.

³ Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари // Т.: “Ф.Фулум”, –2017.- 70 б.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида” ЎРҚ-637-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПҚ-4947-сон қарори, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада таълим тизимини ахборотлаштириш, электрон-ахборот таълим муҳитида ўқитишнинг педагогик асосларини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва методик асослари ҳамда электрон адабиётларни яратиш технологияси: А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, Д.Н.Маматов, М.А.Рахматуллаев; педагогларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш, компетенциявий ёндошув асосида такомиллаштиришга оид назарий, методик тадқиқотлар: Ю.М.Асадов, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, Б.З.Тўраев, Т.Т.Шаймардонов, И.А.Эшмаматовлар; талабаларни касбий-методик тайёрлаш муаммолари: С.С.Бабаджонов, И.М.Расулов, Ш.Р.Урақовлар; биология ўқитиш методикасини ривожлантириш, биология ўқитувчиларини касбий ҳамда методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари: Ж.О.Толипова, О.Мавлонов, Г.С.Эргашева, А.Рахимов, И.Азимов, М.Н.Ибодова, Н.Ж.Тошманов, С.Нажимова, Ш.Б.Хасановалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган;

Ҳамдўстлик мамлакатларида таълим муҳитини такомиллаштириш, ўқитувчилар касбий, педагогик, квазипрофессional фаолияти хусусиятлари: С.Л.Атанасян, Л.Г.Ахметов, Н.В.Басалаева, Г.А.Берулова, В.П.Беспалько, Бондаревская, Е.И.Булин-Соколова, Л.В.Ведерникова, Вершинская, И.Н.Голицына, Т.А.Загрянная, Е.В.Каганкевич, Е.Б.Петрова, Т.В.Пушкарева, А.А.Старцева, И.В.Роберт, М.В.Шингаревалар; биология ўқитиш методикасини такомиллаштириш, бўлажак биология ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини орттириш масалалари: Н.Г.Боброва, Т.В.Голикова, М.Н.Мирнова, Л.Н.Орлова, Л.В.Пивоварова, Н.З.Смирнова, О.В.Бережная, Л.Н.Сухорукова, Т.В.Сягина, Е.В.Титов, В.С.Шаган ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хорижий давлатларда биология таълими жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, компетенциявий ёндошув асосида такомиллаштириш, методик тайёргарликни орттириш соҳасида N.V.Gorbunova ва E.V.Mokeyeva, A.V.Dubakov, I.O.Igropulo, A.A.Lyubotinsky, E.E.Nepochatyh, A.N.Pechnikov, A.V.Prenzov, O.A.Plaksina ва T.A.Matveyeva, M.K.Smith, A. Sorgo, K.Steffens, A.Sursock, J.H Hageman ва бошқалар тадқиқот олиб борган.

Педагог олимлар томонидан бўлажак ўқитувчиларни касбий ривожлантириш муаммоси билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бўлажак биология ўқитувчиларини методик тайёргарлигини замонавий ёндошувлар асосида такомиллаштириш алоҳида тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-230 рақамли «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» дарслиги ва «Экологик ўлкашунослик» ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: компетенциявий ёндошув асосида бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак биология ўқитувчисининг касбий компетентлигини асосий тури сифатида методик компетентликнинг мазмуни ва таркибий тузилишини аниқлаштириш;

бўлажак биология ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш мезонлари ва даражаларини аниқлаш;

бўлажак биология ўқитувчилари методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг ўқув-методик таъминотини яратиш;

бўлажак биология ўқитувчилари методик тайёргарлигини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: педагогика олий таълим муассасасида бўлажак биология ўқитувчиларини методик компетентлигини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институтларидан 295 нафар талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети: педагогика олий таълим муассасасида бўлажак биология ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот жараёнида назарий (муаммоларни назарий тадқиқ этиш, психологик-педагогик, илмий-методик адабиётлар таҳлили); эмперик (педагогик кузатиш, тажриба-синов ишлари, эксперт баҳолаш, талабаларни ўз-ўзини баҳолаш, умумлаштириш); ижтимоий

методлар (анкета, савол-жавоб, суҳбат); математик-статистик методлар (Хи-квадрат мезони) каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак биология ўқитувчиси методик тайёргарлигининг аффектив, когнитив ва фаолиятли таркибий қисмлари компетенциявий ёндошув асосида кўп даражали, касбий интеграл яхлит педагогик тизими сифатида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг методик компетентлигининг шаклланганлик мезонлари (касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, педагогик фаолиятга қадриятли-мотивацион муносабатни таркиб топтириш) ва даражалари (интуитив, меъёрий, фаол ва креатив) аниқлаштирилган;

бўлажак биология ўқитувчилари методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг ахборот-коммуникация ҳамда инновацион-педагогик технологияга асосланган квазипрофессионал касбий-методик фаолиятга тайёрлаш тизими такомиллаштирилган;

бўлажак биология ўқитувчилари методик тайёргарлигини такомиллаштириш юзасидан таълим жараёнида касбий-йўналтирилган, компетентли-йўналтирилган ва вазиятли топшириқлардан фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим тизимида бўлажак биология ўқитувчисининг шахсий-касбий ривожлантириш назарияси методик компетентликни таркибий тузилиши жиҳатдан такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчилар методик тайёргарлигини орттириш ҳақидаги илмий тасавурларни умумлаштирилиб, методик тизими ишлаб чиқилган;

бўлажак биология ўқитувчилари методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг замонавий мослаштирилган ва компетенциявий йўналтирилган ўқув-методик таъминоти ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндошувлар расмий манбалардан олингани, эмперик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг компетенцияли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик асослари замонавий ёндошувларга мувофиқ ҳолда илмий асосланганлиги; методик тайёргарликнинг аффектив, когнитив ва фаолиятли таркибий қисмлари, педагогик касбига қадриятли-мотивацион муносабатнинг шакллантирилганлиги, касбий билим, кўникмаларни эгаллаганлик даражалари такомиллаштирилганлиги; касбий компетентликнинг таркибий қисми сифатида методик компетентликнинг мазмуни моҳияти ва ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилганлиги билан

изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг амалий имкониятларини аниқлаштирилганлиги, бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришда компетентли-йўналтирилган топшириқлардан фойдаланишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилганлиги ва самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўлажак биология ўқитувчиси методик тайёргарлигининг аффектив, когнитив ва фаолиятли таркибий қисмлари компетенциявий ёндошув асосида кўп даражали, касбий интеграл яхлит педагогик тизим сифатида такомиллаштиришга оид таклифлари «Педагогика» таълим соҳаси Давлат таълим стандартининг 5110400-Биология ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-66-сон маълумотномаси). Мазкур тизим бўлажак ўқитувчиларининг касбий компетенциялари таркибини тизимлаштириш ҳамда ўқув мазмунини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг методик компетентлигининг шаклланганлик мезонлари (касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, педагогик фаолиятга қадриятли-мотивацион муносабатни таркиб топтириш) ва даражаларини (интуитив, меъерий, фаол ва креатив) аниқлаштириш бўйича таклифлари биоцентризм тамойили асосида А-1-230 рақамли «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» дарслиги ва «Экологик ўлкашунослик» ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-66-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг билим самарадорлиги ортган ва методик компетенцияларини баҳолаш усуллари такомиллаштирилган;

бўлажак биология ўқитувчилари методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг ахборот-коммуникация ҳамда инновацион-педагогик технологияга асосланган квазипрофессионал касбий-методик фаолиятга тайёрлаш тизими (компетентли йўналтирилган вазиятли топшириқлардан фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялари bioportal.uz медиапортали мультимедиа воситалари) яратилган ҳамда амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-66-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиялар бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини орттириш механизмларини такомиллаштириш, педагоглар касбий компетенциялари даражаларини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида

муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда ҳамда 1 та электрон дарслик нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бўлажак биология ўқитувчилари методик тайёргарлигини такомиллаштириш муаммосининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида бўлажак биология ўқитувчиси методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик асослари, компетенциявий ёндошув асосида бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини орттиришнинг педагогик шарт-шароитлари, бўлажак биология ўқитувчиларини методик тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Замонавий шароитларда биология ўқитувчисининг методик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар доимий ўзгариб бораётган бир пайтда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, дидактик асосларини ишлаб чиқиш, педагогик шарт-шароитлари, мазмуни ва тузилмаси, мезонлари ва шаклланганлик даражалари, шакл, метод, воситалари, модели, ўқитиш сифатини ошириш, шунингдек, педагогика олий таълим муассасасида бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини компетенциявий ёндошув асосида такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Бутун жаҳонда тезкорлик билан ривожланиб келаётган биология фани бугунги кунда инсоният олдида гавдаланган глобал муаммоларни ечимини топишга қодир бўлган фан ҳисобланади. Бу фанни муваффақиятли ўзлаштириш, албатта замонавий ёндошувларни талаб қилади.

Республикамизнинг педагогика олий таълим муассасаларида биология таълимини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва мазмуни янгилаш, узлуксиз таълим тизимининг фан ва ишлаб чиқариш билан

интеграциялашуви, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда методик тайёргарлигини орттириш жамият талабларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Психологик ва педагогик адабиётлар таҳлили асосида бизнингча методик тайёргарлик нуқтаи назаридан ўқитувчининг шахсий хусусиятларини урта гуруҳга ажратиш мумкин:

1) шахсий фазилатлар (болалар билан ишлаш эҳтиёжи; маданий дунёқараш, ишда қатъиятлилик; педагогик йўналтириш, мобиллик, янгиликка интилиш, педагогик тактика; ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик);

2) ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлган сифатлар (фанни билиш; билим, кўникма ва малакалар сифатини баҳолаш қобилияти; ишни режалаштириш қобилияти, фикрлашни ривожлантириш, қизиқишни шакллантириш, режани самарали бажариш кўникмаси, фанлараро алоқаларни амалга ошириш, индивидуал ёндошиш, ўқув меҳнати кўникмаларини шакллантириш; билимлар; ўқитишнинг психологик-педагогик асосларига оид билимлар);

3) ўқитувчининг тарбиявий иши билан алоқадор сифатлар.

Бўлажак мутахассисларни психологик тайёргарлиги асосий компонентларига: умумий психологик; касбий психологик, ахлоқий психологик, психологик техник тайёргарлик киритилади.

20-асрнинг охирида олимлар мутахассисларга хос бўлган яна бир шахсий хусусият – компетенцияни жорий қилди. «Компетентлик» (ингл. «competence» – «қобилият») - фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иктидорни намоён эта олиш.

Компетентлик–бу одамнинг фаолиятга жалб қилинишининг ўлчовидир. (Б.Д. Элконин), шахснинг ўз-ўзини амалга оширишга хизмат қиладиган билим, кўникма, билимдонлиги, дунёда ўз ўрнини топиши (В.А.Болотов, В.В.Сериков).

Касбий компетентлик - мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллаш олиниши.

Биология ўқитиш методикасини ўрганиш жараёнида компетенциявий ёндошув асосида бўлажак биология ўқитувчисининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Касбий компетенциялар орасидан қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга: битирувчининг таянч ва электив курслар ўқув дастурларини амалга ошириш қобилияти; ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини ташхислаш ва баҳолаш методикаларини эгаллаши, замонавий таълим стратегиялари ва технологияларни қўллаш; ўқув фаолиятининг универсал турларини шакллантириш учун таълим муҳитидан фойдаланиш имконияти ва ўқув-тарбия жараёни сифатини таъминлаш; таълим олувчилар ҳамкорлигини ташкил этиш; фаоллиги ва мустақиллигини рағбатлантириш; замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз компетентлик касбий ривожланган шахснинг ажралмас хусусияти деб ҳисоблаймиз, унга

қуйидагилар киради: касбий кадриятлар ва ўз касбини кадрлаш муносабати, касб соҳасидаги назарий билимлар, касбий кўникмалар ва малакалар.

Компетенциявий ёндошув нуқтаи назаридан биз методик компетенцияни методик фаолиятни амалга ошириш қобилияти сифатида ажратдик ва ўргандик. Биз ўқитувчининг методик компетенциясини учта компонентнинг бирлигида кўрамыз: аффектив, когнитив ва фаолиятли.

Методик компетентликнинг саналган таркибий қисмлари тузилишининг яхлит кўриниши қуйидагича ифодаланади (1-расм).



1-расм. Ўқитувчи методик компетентлигининг яхлит тизими

Ўқитувчининг методик компетентлиги унинг вазифаси (функцияси) орқали амалга оширилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг методик тизими**»

деб номланган. Мазкур бобда бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш мазмуни, талабаларда методик компетентликни ривожлантириш метод, шакл ва воситалари ва замонавий механизми ёритилган.

Олий таълим тизимида ўқитишнинг етакчи вазифаси—мактаб ўқувчиларининг таълим ва тарбияси билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилишга қодир, ижодий фикрлайдиган мутахассиссиз тарбиялаш, талаба шахсини ўқитувчига айлантиришдан иборат. Назарий изланишларнинг асосий принципларига асосланиб, биз келажакда биолог ўқитувчилар учун касбий тайёргарлик мақсади сифатида биологик таълим шароитида шахсий ва касбий соҳаларни ривожлантириш натижасида вужудга келган яхлит неоплазма сифатида уларнинг методик компетенциясини шакллантиришни кўриб чиқамиз.

Бугунги кунда педагогика олий таълим муассасаларида «Биология ўқитиш методикаси» фанининг мазмуни маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулотлари ҳамда мустақил таълимдан иборат бўлиб, янги ўқув режа асосида уч семестр давомида ўқитилади. Биология ўқитиш методикаси фанидан талабаларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос метод, шакл ва воситаларидан фойдаланиб амалга оширилади.


Биология ўқитиш методикасидан машғулотлар зарур жиҳозлар билан жиҳозланган аудиторияларда ўтказилади. Машғулотлар таълим соҳасидаги замонавий ёндошувларга асосланган янги педагогик ва ахборот технологиялари, электрон таълим ресурслари, интерфаол усуллардан фойдаланиб амалга оширилади.

Шундай қилиб, бўлажак биология ўқитувчиларини компетенциявий ёндошув асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик тизими биология таълимининг барча замонавий тенденцияларига таяниб, билимларни ўқувчилар билан фаол мулоқотга киришиш, ўқитувчи билан ҳамкорликни таъминлаш, тажрибасидан фойдаланиш орқали педагогик ишлаб чиқаришни шакллантириш жараёнида амалга оширилади.

Ўқув-тарбия жараёнини маълум методика бўйича муваффақиятли амалга ошириш учун мазкур методиканинг илмий асосланган модели мавжуд бўлиши зарур, у туфайли ўқув жараёнининг турли аспекти ва элементларини уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига тобелигида тавсифлаш ва таҳлил қилиш, ўқитиш самарадорлигини башоратлаш, методикани модернизациялашнинг энг оптимал йўллари ва самаралироқ фойдаланиш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Юқорида айтилган фикрларга асосланиб, компетенциявий ёндошув асосида бўлажак биология ўқитувчиси методик тайёргарлигини такомиллаштириш моделини (2-расм) ишлаб чиқдик. Унда методологик категорияларни аниқ педагогик технология ёки методика доирасида педагогик фаолиятнинг бевосита амалиёти билан боғлаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба синов мазмуни ва таҳлили**» деб номланган учинчи бобида бўлажак биология ўқитувчиси методик компетентлигини ташхислаш, педагогик тажриба-синовни тайёрлаш ва ўтказишнинг асосий шарт-шароитлари, натижаларининг статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.



2-расм. Бўлажак биология ўқитувчиси методик компетентлигини ривожлантириш модели

Тажриба-синов ишининг асосий мақсади бўлажак биология ўқитувчисининг методик компетенциясини шакллантириш самарадорлигига таъсир қиладиган педагогик шароитларнинг ишончлилиги ва етарлилигини эмпирик текшириш. Қўйилган мақсадга эришишда педагогик тажриба методидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти, Қўкон давлат педагогика институтининг табиий фанлар факультетлари Биология ўқитиш методикаси йўналиши талабаларида ўтказилди. Тадқиқотда тажриба гуруҳида 148 та, назорат гуруҳида 147 та талаба қатнашди.

Тадқиқот натижасида аффеktiv таркибий қисмнинг тегишли шаклланиш даражаси билан ажралиб турадиган талабалар аниқланди.


1-жадвал.

Аффеktiv таркибий қисм шаклланганлик даражаси натижалари (тажрибадан аввал)

Даража	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	148 талаба	100%	147 талаба	100%
Интуитив	38	25,7	42	28,7
Меъёрий	63	42,6	68	46,2
Фаол	42	28,3	31	21,1
Креатив	5	3,4	6	4

Тажриба ва назорат гуруҳларини таққослаганда назорат гуруҳида аффеktiv таркибий қисмнинг интуитив шаклланганлик даражаси - 2,9%, меъёрий даражада - 3,5%, креатив даража - 0,7 % юқори бўлса, фаол даража тажриба гуруҳида - 7,2 % юқори бўлди .

Тадқиқот натижаси таҳлилига когнитив таркибий қисмни шаклланганлигига кўра интуитив даража тажриба гуруҳи талабаларида 2,9 %, ва назорат гуруҳи талабалари 5.5% ни ташкил этади (3-расм)..




3-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларида методик компетентликнинг аффеktiv таркибий қисми шаклланганлик даражалари (тажрибадан аввал)

Меъёрий даража тажриба гуруҳида 71,4%, назорат гуруҳида 73,4%; фаол даража, мос холда, 17,1% ва 14,3; креатив даража тажриба гуруҳида-8,6%, назорат гуруҳида-6,8%ни ташкил этди (2-жадвал, 4-расм).

**Когнитив таркибий қисми шаклланганлик даражаси таҳлили
натижалари (тажрибадан аввал)**

Даража	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	148 талаба	100%	147 талаба	100%
Интуитив	4	2,9	8	5,5
Меъёрий	106	71,4	108	73,4
Фаол	25	17,1	21	14,3
Креатив	13	8,6	10	6,8




4-расм. Тажириба ва назорат гуруҳларида методик компетентликнинг когнитив таркибий қисми шаклланганлик даражалари (тажрибадан аввал)

Талабаларнинг фаолиятли таркибий қисми шаклланганлик даражасини кўйидагича тавсифланади (3-жадвал, 5-жадвал). Тажириба ва назорат гуруҳларида талабаларининг фаолиятли таркибий қисм интуитив даражасининг шаклланганлиги назорат гуруҳида тажириба гуруҳига нисбатан 1% фоизга, меъёрий даража 1,3%, креатив даража 2,7 % юқори бўлса; тажириба гуруҳида фаол даража-5% юқори.

**Фаолиятли таркибий қисм шаклланганлик даражаси натижалари
таҳлили (тажрибадан аввал)**

Даража	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
	148 талаба	100%	147 талаба	100%
Интуитив	38	25,7	39	26,7
Меъёрий	72	48,7	74	50
Фаол	34	22,9	26	17,9
Креатив	4	2,7	8	5,4



5-расм. Тажириба ва назорат гуруҳи талабаларининг фаолиятли таркибий қисм шаклланганлик даражалари (тажирибадан аввал)

Методик компетентликнинг аффектив, когнитив ва фаолиятли таркибий қисмлари шаклланганлик даражаларининг тажириба ва назорат гуруҳларидаги таҳлилларини умумлаштирамиз.

4-жадвал.

Методик компетентликнинг аффектив, когнитив ва фаолиятли таркибий қисмлари шаклланганлик даражаларининг тажириба ва назорат гуруҳларидаги умумий таҳлили (тажирибадан аввал)

Таркибий қисм	Аффектив				Когнитив				Фаолиятли			
	Т		Н		Т		Н		Т		Н	
Гуруҳлар	Талаба	%	Талаба	%	Талаба	%	Талаба	%	Талаба	%	Талаба	%
Интуитив	38	25,7	42	28,7	4	2,9	8	5,5	38	25,7	39	26,7
Меъёрий	63	42,6	68	46,2	106	71,4	108	73,4	72	48,7	74	50
Фаол	42	28,3	31	21,1	25	17,1	21	14,3	34	22,9	36	17,9
Креатив	5	3,4	6	4	13	8,6	10	6,8	4	2,7	8	5,4

Методик компетентлик биз томонимиздан талабаларда аффектив, когнитив ва фаолиятли таркибий қисмлари шаклланганлик даражаларининг интегратив тавсифи сифатида қараб чиқилди.

Тажириба-синов ишларининг математик-статистик таҳлили натижалари Пирсоннинг χ^2 мезони орқали таҳлил қилинди (5-жадвал).


5-жадвал.

Тажириба ва назорат гуруҳларида мезонлар бўйича статик ҳисоб жадвали

№	Мезонлар	Гуруҳлар	Ўртача қиймат	Самарадор -лик	Хи квадрат	Критик қиймат	Танланма дисперсия	Ишонч четланиши	Ишонч интервали	Хулоса	
1	Аффектив	Тажириба	2,41	1,16	14,43	7,81	0,69	0,13	2,27	2,54	Н ₁
		Назорат	2,07						1,94	2,20	
2	Когнитив	Тажириба	2,63	1,14	16,45	7,81	0,57	0,12	2,51	2,75	Н ₁
		Назорат	2,31						2,20	2,41	
3	Фаолиятли	Тажириба	2,43	1,15	12,78	7,81	0,68	0,13	2,20	2,57	Н ₁
		Назорат	2,11						1,98	2,24	
	Умумий	Тажириба	2,49	1,15	14,56	7,81	0,66	0,13	2,36	2,62	Н ₁
		Назорат	2,16						2,04	2,28	

Ушбу жадвал маълумотларига кўра барча мезонларда $\chi^2_{\text{кузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$ бўлгани учун тажриба ва назорат гуруҳларидаги бўлажак биология ўқитувчиларнинг методик компетентлигининг мавжуд ҳолати тажриба ва назорат гуруҳларида бир-биридан фарқ қилиб, уларда самарадорлик 1,15 га тенг.

Энди ҳисоб ишларини тажриба ва назорат гуруҳларида методик компетенциянинг таркибий қисмларини ривожланганлик кўрсаткичларини тажрибадан аввал ва тажрибадан кейинги натижаларини диаграммалари бўйича солиштирамиз (6-расм).



6-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларида методик компетенциянинг мезонлари бўйича ривожланганлик кўрсаткичлари (тажрибадан аввал ва тажрибадан кейин)

Олинган натижалар келажакда биология ўқитувчиларнинг педагогика ОТМларда методик компетенциясини шакллантириш бўйича тақлиф этилган жараённинг самарали эканлигини ва уни университет фаолиятида қўллаш учун тавсия этилишини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, таъсир қилишнинг ушбу усули субъектларнинг методик компетенциялари ривожланиш даражасида сезиларли ўзгаришларга олиб келди, яъни олиб борилган ишлар натижасида бўлажак биология ўқитувчиларининг методик компетенциясининг шаклланганлик даражаси статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошди

ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган илмий-педагогик тадқиқот натижалари таҳлили ва яқунларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бўлажак биология ўқитувчиси методик тайёргарлигининг аффектив, когнитив ва фаолиятли таркибий қисмлари компетенциявий ёндошув асосида кўп даражали, касбий интеграл яхлит педагогик тизим сифатида такомиллаштирилди. Мазкур тизим бўлажак ўқитувчиларининг касбий

компетенциялари таркибини тизимлаштириш ҳамда ўқув мазмунини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

2. Психологик-педагогик ва илмий-методик адабиётлар таҳлили методик компетентликнинг учта таркибий қисмнинг синтези сифатида аниқлашга имкон берди: аффектив, когнитив ва фаолият. “Методик компетенция» тушунчасининг моҳияти унинг: мотивацион-қадриятли, гностик, коммуникатив ва рефлексив вазифалари орқали амалга оширилади. Методик компетенциянинг вазифалари – таълим бериш ва тарбиялаш вазифаларини бажаришда ўқитувчи шахсининг фаоллигини намоён қилиш усулларидан иборат. Аффектив таркибий қисмнинг ривожланиши мотивацион-қадриятли вазифасини амалга оширишга ёрдам беради, когнитив таркибий қисмнинг ривожланиши гностик вазифани амалга оширишга қаратилган; фаолият компонентининг ривожланиши коммуникатив ва рефлексив вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради.

3. Бўлажак биология ўқитувчилари методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг ахборот-коммуникация ҳамда инновацион-педагогик технологияга асосланган компетенциявий йўналтирилган ўқув-методик таъминоти, биология ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар “Биология ўқитиш методикаси” номли электрон дарслик асосида бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришни ахборот технологиялари воситасида жорий этиш самарадорлигини ошириш имконини берди.

4. Талабалар методик тайёргарлигини орттиришда компетенциявий ёндошувни амалга ошириш шартларини таъминлаш: танланган касбни кадрлаш муносабатини ривожлантириш; психолого-педагогик, фанга оид ва методик билимлар интеграциясини амалга ошириш; бўлажак ўқитувчини талаба-ўқитувчи тизимидаги фаол ижодий ўзаро алоқасини таъминлаш. Ушбу шартларнинг амалга оширилиши қуйидаги тамойилларга асосланади: инсонпарварлик ва инсонпарварлаштириш тамойили, узлуксиз методологик тайёргарлик ва ижобий ўзаро алоқадорлик, ҳамжамоавийлик, жиддийлик ва интеграциялаш тамойиллари.

5. Талабаларнинг шахсий хусусиятларини, назарий ва амалий касбий тайёргарликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бўлажак ўқитувчининг методик тайёргарлигини шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонлар ишлаб чиқилди. Бўлажак ўқитувчининг методик тайёргарлиги даражасининг мезонлари сифатида: педагогик фаолиятга ижобий қадриятли-мотивацион муносабат, касбий билим ва кўникмаларга эга бўлиши белгиланди. Тадқиқ этилаётган сифатни таркибий қисмларининг ривожланганлик даражалари (интуитив, меъёрий, фаол ва креатив) бўлажак ўқитувчининг методик компетенциясини шаклланганлик даражасини аниқлашга имкон берди.

6. Бўлажак биология ўқитувчиларнинг методик компетентлигини ривожлантириш мазкур феноменни уч босқичда узлуксиз шакллантириш – кириш, квазипрофессионал ва касбий амалга оширилиб, уларнинг ҳар бир ўқитувчи шахсининг интегратив хусусиятларини ривожлантиришга хизмат

қилади. Квазипрофессионал босқичда методик компетентликни шакллантириш тажриба-синов ишларининг: мақсадли, мазмунли, технологик ва рефлексив босқичларда амалга оширилади. Олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили бўлажак ўқитувчи методик тайёргарлигини орттиришда компетенциявий ёндошув имкониятларидан фойдаланиш касбий-методик компетентлиги самарадорлигини таъминлашини кўрсатади.

7. Бўлажак биология ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш мониторингини амалга ошириш инструментарийси сифатида “Бўлажак биология ўқитувчиси методик компетентлигини ривожлантириш модели” мутахассиснинг касбий-методик тайёргарлигини ривожлантириш мезони ҳисобланади.

8. Ушбу методика компетентликнинг қуйидаги индикаторлар ёрдамида ривожлантиришни назарда тутди: 1) таълим жараёнида касбий-йўналтирилган, компетентли-йўналтирилган ва вазиятли топшириқлардан фойдаланиш; 2) лойиҳавий топшириқларни жамоат мажбурий ҳимоя қилиш; 3) кириш, оралиқ ва якуний назорат синовлари амалиёти билан таништириш; 4) талабалар ўзларининг малакаларини намойиш этишларига имкон берадиган мустақил иш турлари сонининг кўпайтириш; 5) касбий ва услубий компетенция тестларини ишлаб чиқиш ва талабалар компетентлигини диагностикалаш, баҳолаш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.05.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

УСМОНОВА МУХАЙЁХОН СОБИРЖОН КИЗИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ БИОЛОГИИ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (биология)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан В 2018. 11.13. PhD/Ped 148

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: Эргашева Гулрухсор Сурхониidinовна
доктор педагогических наук (DSc), доцент

Официальные оппоненты: Рахимов Атаназар Каримович
доктор педагогических наук (DSc), доцент

Абдиева Ойжамол Ташбаевна
кандидат педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «30» 12 2020 года в 13⁰⁰ часов на онлайн заседании разового научного совета на основе Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.05.03 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г. Фергана, улица Мураббийлар, 19-дом). Тел.: (+998) 73-244-44-02; факс: (998)73-244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (№ регистрации 98). Адрес: 150100, г. Фергана, улица Мураббийлар, 19-дом. Тел.: (+998)73-244-44-94.

Автореферат диссертации разослан «18» 12 2020 года.
(протокол рассылки за № 3 от «18» 12 2020 года).



Юлдашев
Г. Юлдашев
Председатель научного совета по присуждению учёной степени,
д.б.н., профессор

У.Б. Мирзаев
У.Б. Мирзаев
Заместитель секретаря научного совета по присуждению учёных степеней,
к.б.н., доцент

Исағалиев
М.Т. Исағалиев
Председатель научного семинара по присуждению учёной степени,
д.б.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность диссертационной темы. Переход образования от получения знаний на основе единого стабильного развития цивилизации и человечества к деятельностно-компетентной образовательной парадигме привел к более нарастающей потребности в конкурентно способных кадрах, отвечающих тенденциям развития общества. В контексте глобализации качество высшего образования обеспечивает устойчивую конкурентоспособность страны и “ совершенствовании процесса и средств оценки качества образования, внедрении в практику механизмов, представляющих возможность определения полученных результатов”¹, «организации эффективного преподавания биологии»⁵ для совершенствования методической подготовки будущих учителей биологии.

В мире осуществлены широкомасштабные научные изыскания в сфере организации и обновления содержания высшего образования на основе современных требований, в плане обеспечения интеграции науки производства, в вопросе методической подготовки будущих специалистов к квазипрофессиональной деятельности, информационно-коммуникационного обеспечения обучения в электронной образовательной среде, а также в увеличении возможностей дистанционного образования. Актуальным является совершенствовании профессионально-методической подготовки учителей биологии на основе компетентностного подхода в соответствии с современными образовательными тенденциями, как конкурентноспособных на рынке труда компетентных кадров, способных работать по специальности и быть социально и профессионально мобильными.

В нашей Республике осуществляются широкомасштабные реформы по “продолжению курса совершенствования непрерывной системы образования, увеличению возможностей качественных образовательных услуг, подготовке высококвалифицированной кадрой в соответствии с современными потребностями рынка труда”², подготовке педагогических кадров в соответствии с потребностями работодателей, а также по повышению качества и эффективности педагогической деятельности в системе высшего образования. Важное значение имеет вопрос разработки научно обоснованной методики подготовки будущих учителей биологии к профессиональной деятельности путем адаптации к требованиям рыночной экономики и развития методических компетенций, модернизации их методической подготовки на основе современных научно-технических достижений, совершенствования подготовки компетентных педагогических

¹Incheon declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). - 48 p.

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2020 года № ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии». // Национальная база данных законодательства, 13.08.2020, №20.07 / 4805/1174

³На пути к быстрому развитию и обновлению на основе стратегии действий (в узб.) // Т.: “Г.Гулом”, – 2017. -70 с.

кадров с высоким потенциалом в соответствии с передовым зарубежным опытом.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, намеченных в Законе Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 г. № ЗРУ-637 «Об образовании», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4947 «О Стратегиях действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП№-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, Указе Президента Республики Узбекистан УП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии» от от 21 августа 2020 года, а также в других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие диссертационного исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и осуществления системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. В нашей Республике вели исследования в области информатизации системы образования, совершенствования педагогических основ обучения в электронно-информационной образовательной среде, разработки теоретических и методических основ применения информационно-коммуникационных технологий, а также технологий создания электронной литературы: А.Абдукодиров, У.Бегимкулов, Д.Н.Маматов, М.А.Рахматуллаев; развитию профессиональной подготовки педагогов, исследованию теоретических и методических вопросов совершенствования компетентностного подхода посвящены работы: Ю.М.Асадова, Р.Г.Исянова, Н.А.Муслимова, Б.З.Тураева, Т.Т.Шаймардонова, И.А.Эшмаматова; проблемы профессионально-методической подготовки студентов изучены: С.С.Бабаджоновым, И.М.Расуловым, Ш.Р.Ураковым; развитие методики преподавания биологии, вопросы совершенствования профессиональной и методической подготовки учителей биологии освещены в трудах: Ж.О.Толиповой, О.Мавлонова, Г.С.Эргашевой, А.Рахимова, И.Азимова, М.Н.Ибодовой, Н.Ж.Тошманова, С.Нажимовой, Ш.Б.Хасановой.

